

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил апрель ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Рахимов, судья ёрдамчиси Д.Валиеванинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтохур туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердикиличева, судланувчи С.Халиков ва унинг ҳимоячиси-“Shayxontohur Advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати Ш.Ясингунларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланувчи:

Халиков Саттар Джалалович (Xalikov Sattar Djalalovich) - 22.11.1963 йилда Бухоро вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, 2-гурӯх ногирони, муқаддам:

1) Бухоро вилояти Бухоро шаҳар судининг 1978 йил 18 августдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси(эски тахрирдаги)нинг 89-моддаси билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, Жиноят кодекси(эски тахрирдаги)нинг 44¹-моддасига асосан ҳукм ижроси 2 йил муддатга кечиктирилган,

2) Бухоро вилояти Ф.Хўжаев туман судининг 1979 йил 18 майдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси(эски тахрирдаги) 125-моддасининг 2-қисми, 206⁶-моддасининг 1-қисми билан Жиноят кодекси(эски тахрирдаги)нинг 41-моддасига асосан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 1984 йил 18 февраль куни жазони ўтаб чиққан,

3) Бухоро вилояти Ғиждувон туман судининг 1984 йил 25 июлдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси(эски тахрирдаги) 125-моддасининг 3-қисми ва 206⁶-моддасининг 1-қисми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 1990 йил 11 апрель куни жазони ўтаб чиққан,

4) Тошкент шаҳар судининг 1991 йил 19 июлдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси(эски тахрирдаги) 15,125-моддасининг 2-қисми билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 1992 йил 18 май куни жазони ўтаб чиққан,

5) Бухоро вилояти Текстиль туман судининг 1995 йил 20 апрелдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси(эски тахрирдаги) 206⁶-моддасининг 2-қисми билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси



тайинланган, 1996 йил 28 декабрь куни жазони ўташ жойларидан озод қилинган,

6) Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2014 йил 10 октябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси 267-моддасининг 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2015 йил 13 июлдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 2 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2016 йил 21 апрелдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган,

7) Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 17 ноябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум жазоси тайинланиб, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 3 йил 7 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 10 майдаги ажримига асосан суд ҳукмининг жазо тайинлаш қисми бекор қилиниб, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2020 йил 19 мартдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2020 йил 28 сентябрдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 75-моддасига асосан 2 йил 6 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан олдин озод қилинган, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 7-уйда рўйхатда туриб, Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Тансиқбоева мавзеси, Шухрат маҳалласи, 17-уй 3-хонада яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосалари нусхасини ўз вақтида олганга



нисбатан 1-1003-2203/192-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи С.Халиков муқаддам ўғирлик жиноятини содир қилганлиги бир неча маротаба судланиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2021 йил 7 ноябрь куни соат тахминан 16:00 ларда, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, “Макро” супер маркети олдидаги бекатдан 472-сонли йўналиш бўйича қатновчи автобусга чиқиб, ушбу автобусда йўловчи сифатида ҳаракатланиб келаётган Хикматуллаева Мушарраф Рихситилла қизининг эғнидаги мавсумий куртканинг чап томон ташқи чўнтагида бўлган баҳоси 3.000.000 сўмлик “Редми-9” русумли телефон аппаратини қиссавурлик йўли билан ўғирлаб, ходиса жойидан яширинган.

Бундан ташқари, С.Халиков хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2021 йил 30 ноябрь куни соат 14:30 ларда, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 70-уйда жойлашган “Amity University” олийгоҳи олдида ҳаракатланиб кетаётган 78-сонли автобус ичида, ушбу автобусда йўловчи сифатида ҳаракатланиб келаётган Убайдуллаева Лариса Рахматуллаевнанинг эғнида бўлган кўкимтир куртка (плащ) ўнг чўнтагидан баҳоси 3.000.000 сўмлик “Samsung A51” русумли уяли алоқа телефон аппаратини такроран қиссавурлик йўли билан ўғирлаб, ходиса жойидан яширинган.

Судда судланувчи С.Халиков айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2021 йил 7 ноябрь куни соат 16 ларда Олмазор тумани, Беруний метро олдидаги авто бекатдан 472-сонли автобусга чиқиб, “эски шаҳар” да жойлашган чойхонага бориб, оғайнилари билан бирга ароқ ичганликларини, шундан сўнг Фаробий кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб кетаётган автобусга чиқиб, одам кўп эканлигидан фойдаланиб, у кейинчалик таниган М.Хикматуллаеванинг чўнтагида турган телефон аппаратини кўриб, телефон аппаратини ўғрилаб олиб кейинги бекатда, яъни ТХАЙ кўчасига етмасдан тушиб қолганлигини, ушбу телефонни ўзига нотаниш кишига 300.000 сўмга сотиб юборганлигини, бундан ташқари 2021 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчасида жойлашган умумий жамоат хаммомига бориб, ароқ ичиб, у ердан чиқиб, автобус бекатига бориб, автобусга миниб, автобуснинг ичида турган унга кейинчалик таниган Л.Убайдуллаеванинг эғнида бўлган палтосининг ташқи ўнг томон чўнтагидан телефон аппаратини автобус чайқалганлигидан фойдаланиб, Л.Убайдуллаевага урилиб кетиб, телефон аппаратини чап қўли билан олганлигини, шундан сўнг автобус светофорнинг қизил чироғида тўхтаганида, у хайдовчидан автобуснинг охири орқа томондаги эшигини очишини сўраб, автобусдан тушиб қолганлигини, ушбу телефонни ўзи танимаган кишига 350.000 сўмга сотганлигини, ҳозирги кунда содир қилган ҳаракатидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, 2 гуруҳ ногирони эканлигини билдириб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи С.Халиков айбига тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг айби судда текширилган қуйидаги далиллар, яъни:



Судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Л.Убайдуллаев, 2021 йил 30 ноябрь куни соат тахминан 14:30 да иш жойидан чиқиб, йўлнинг қарама-қарши томони Шайхонтоҳур тумани Лабзак кўчаси 70-уйда жойлашган “Amity University” олийгоҳи олдидаги автобус бекатига ҳамкасби билан биргаликда борганлиги ҳамда автобус бекатида турган вақтида ўзининг қора рангли “Самсунг А-51” русумли телефон аппаратидадан фойдаланган ҳолда автобуслар қатнаш жадвалини кўриб турганида, 78-сонли автобус келганини ва ўзига тегишли бўлган қора рангли “Самсунг А-51” русумли телефон аппарати джинси палтосининг ташқи ўнг томон чўнтагига солиб қўйиб, автобусга чиқиб кетганлигини, шундан сўнг автобусда йўловчилар кўп бўлмасида, кўлида сумка ушлаган ёши тахминан 45-52 лардаги оқ сочли, татар миллатига мансуб эркак киши, куртка ва жигар ранг шимда бўлиб, унга бехосдан урилиб кетиб, уни гўёки туртиб юборгандай бўлганлигини, бироздан сўнг автобус харакатланишни бошлаши билан, у хайдовчидан автобуснинг орқа томондаги эшигини очишини сўраб, автобусдан тушиб қолганлигини, шундан сўнг бироз вақт ўтгач, телефонини текшириш мақсадида, палтосининг ташқи ўнг томон чўнтагини текширганида қора рангли “Самсунг А 51” русумли телефон аппарати йўқлигини билганлигини, шундан сўнг ушбу ҳолат юзасидан ИИБга хабар берганлигини, кейинчалик билишича уни телефонини ўғирлаган шахс Халиков Саттар эканлигини, С.Халиковдан унга етказилган зарарларни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб берган кўрсатуви;

судда тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган жабрланувчи М.Хикматуллаеванинг 2021 йил 7 ноябрь куни соат 16 ларда Олмазор тумани, Фаробий кўчасида жойлашган “Макро” супермаркети олдидаги бекатдан 472-сонли йўналиш бўйича қатновчи автобусга минганлигини, унга ёнма-ён турган ёшлари 50 дан ошган бир киши туриб қолганлигини, у билан кейинги бекатга етганда, яъни ТТКА-2 клиникаси кириш эшиги олдидаги бекатга борганда одамларни тушириш мақсадида автобусдан тушганлигини, ёнимда турган киши ҳам тушиб, чиптачига йўл ҳаққини берганлигини, одамларни тушириб автобусга қайтиб чиққанлигини, ортидан ёнида келган киши ҳам чиққанлигини, шундан сўнг кейинги бекатга етмасдан унга “Мен Белтепада тушаман сен буёкга ўтгин” деганлигини, у ичкарига ўтганлигини, у киши эса бекатга етмасдан автобусдан тушиб қолганлигини, у автобусдан тушаётганида эгнидаги қора рангли куртканинг ташқи томон чап томон чўнтагида бўлган кул рангли, “Редми 9” русумли телефонини ушламоқчи бўлганида телефон аппарати чўнтагида йўқлигини билганлигини, шундан сўнг ушбу ҳолат юзасидан ИИБга хабар берганлигини, кейинчалик билишича уни телефонини ўғирлаган шахс Халиков Саттар эканлигини, С.Халиковдан унга етказилган зарарларни ундириб бериш тўғрисида дастлабки терговда берган кўрсатувлари;

судда ўзининг розилиги билан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Г.Халикова отаси С.Халиков билан онаси ажрашганлиги сабабли узок вақтдан буён отаси билан бирга яшамаганлигини, 2021 йил ноябрь ойининг бошларида отаси унга “Редми-10” русумли телефон аппарати совға



қилганини, у ушбу аппаратни 15 кунча ишлатиб кейин ижтимоий тармоқнинг “olx.uz” сайтига сотувга чиқарганини, унга мижоз қўнғироқ қилиб, телефон аппаратини Чилонзор метро бекати олдига олиб келишини сўраганини, у телефон аппаратини сотиш учун келишилган метро бекати ёнига олиб борганида унга ўзларини ИИО ходимлари деб таништирган шахслар кутиб олганлигини, улар унга телефон аппарати ўғирлангани ҳақида айтиб, ушбу телефон аппаратини баённома асосида расмийлаштириб олганликларини, у ИИО биносига борганида ходимлар унга отаси С.Халиковнинг расмини кўрсатиб, таниш-танимаслигини сўраганлигини, у ушбу отаси эканлигини айтганини ва телефон ўғирланганини билганини, 2021 йил декабрь ойида отаси унинг уйига келганида у отасига уни ИИО ходимлари кидириб юрганини айтганида отаси С.Халиков уйдан чиқиб кетиб, бошқа қайтиб келмаганлиги тўғрисидаги кўрсатувлари;

жабрланувчиларнинг айбдорга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги аризаси, тушунтириш хатлари, далолатномалар, шахсни фотосурат бўйича таниб олиш учун кўрсатиш ҳақида баённома ва унга илова фотожадвал, нарсани олиш баённомаси, дискни кўриш ва ундаги мавжуд лавҳаларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, ашъвий далил деб эътироф этиш қарори, юзлаштириш баённомаси ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “**Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида**”ги 6-сонли қарори 1-бандида “*жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади*” деб тушунтириш берилган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи С.Халиковнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди, яъни “*ўғирлик такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса*” жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида “*Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агар улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.*”

Агар шахс содир этган қилмишида ушбу Кодекс Махсус қисми айтилган бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги Қонун талабини инобатга олиб, судланувчи С.Халиковни ЖК 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жавобгарликка



тортишни лозим топади.

Шунингдек, суд судланувчи С.Халиковга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, 2 гуруҳ ногирони эканлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди. Жиноятни илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахс бўла туриб, қасддан янги жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “**Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида**”ги 1-сонли қарорининг 3-бандига кўра “*Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак*” деб белгиланган.

Шунингдек, ушбу Пленум қарорининг 37-бандида “*ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.*

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиши вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиши пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиши сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшида эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб кўрсатилган.

Шу билан биргаликда, судланувчи С.Халиковга жазо турини танлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “**Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида**”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, 2 гуруҳ



ногирони эканлигини, ёшини, шунингдек жабрланувчиларга етказилган зарар қопланмаганлигини, муқаддам судланиб, жазодан озод қилинган бўлсада ўзига тўғри хулоса чиқармасдан қасддан оғир жиноят содир қилганлигини, унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозимлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланган тақдирда келгусида яна қасддан жиноятлар содир этишга мойиллиги борлигини, келгусидаги жинойий фаолиятини олдини олиш лозимлигини инобатга олиб, судланувчига нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдоридан ҳам камроқ миқдорда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи С.Халиковнинг 02.01.2022 йилдан 03.01.2022 йилга қадар ушлаб турилган кунни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 62-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатидан чегириб ташлашни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD” дискни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Суд, судланувчи С.Халиковдан жабрланувчи Л.Убайдуллаеванинг фойдасига 3.000.000 сўм, жабрланувчи М.Хикматуллаеванинг фойдасига 3.000.000 сўм ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

х у к м қ и л а д и :

Халиков Саттар Джалалович (Xalikov Sattar Djalalovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилсин.

Халиков Саттар Джалалович (Xalikov Sattar Djalalovich)га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, **3 (уч) йил** муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан С.Халиков 02.01.2022 йилдан 03.01.2022 йилга қадар ушлаб турилган 1 (бир) кунни озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, узил кесил ўташ учун **2 (икки) йил 11 (ўн бир) ой 29 (йигирма тўққиз) кун** озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Жазо **қаттиқ тартибли** колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати **07.01.2022 йилдан** бошлаб ҳисоблансин.

С.Халиковга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси аслича қамоқда сақлаш тарзида қолдирилсин.

Судланувчи С.Халиковдан жабрланувчи Л.Убайдуллаеванинг фойдасига 3.000.000 сўм ҳамда жабрланувчи М.Хикматуллаеванинг фойдасига



3.000.000 сўм ундирилсин.

Манфаатдор томонларга маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD” диск жиноят ишида сақлансин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчилар томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Б.И.Рахимов

Аслига тўғри, судья:

Маъсул судья: Рахимов Бобир Истамович

